

Шимолий Африка марвариди



14:02 / 17.12.2024 1952

Африка қитъаси шимоли-ғарбида жойлашган Марокаш давлатини араблар – Мағриб, турклар – Фас, французлар эса Марок (Марокко) деб атайдилар. Мазкур қироллик ҳудудида жойлашган тўртта қадимий шаҳар – Фас (Фес), Марокаш, Макнас турли йилларда мамлакат пойтахти вазифасини бажарган. Замонавий Рабат (Ар Рибат) эса ҳозирги Марокашнинг бош кентидир. Йиллар давомида сайёҳларни мафтун этиб келаётган тарихий қадамжолардан бири – «Шимолий Африка марвариди» номини олган Марокаш шаҳрига саёҳат қилишга нима дейсиз?

Ёзда ҳам қуриб қолмайдиган ўнлаб дарёлар манбаи – Атлас тоғлари этагида жойлашган Марокаш шаҳри тўққиз юз йиллик тарихга эга. Унга XI асрда Ал-муробитлар (1050–1147) сулоласи вакиллари томонидан асос солинган бўлиб, XII асрга келиб эски Марокаш – Мағриб, Андалусия ҳамда

Шимолий Африканинг муҳим тижорий, маданий ва диний марказига айланган. Саъдлар сулоласи ҳукмронлиги (1510–1659) даврида шаҳарнинг мавқеи ва шуҳрати янада ортган. Янги масжидлару мадрасалар, боғлару ҳовузлар барпо этилган, хароб ҳолга келган иншоотлар таъмирланиб, қайта тикланган. Шу ўринда қироллик маълум вақт давомида Испания ва Францияга бўйсунгани учун бугун мамлакат шаҳарларида Европа маданияти меъморчилиги намуналари сақланиб қолганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

1956 йилда Марокаш давлати мустақилликка эришганидан сўнг мазкур шаҳарни сайёҳлик марказига айлантириш мақсадида сезиларли ислохотлар амалга оширилди: меҳмонларга қадимги кентнинг сершовқин ҳаёти, урф-одатию турфа маданияти, ноёб меъморчилик намуналари тақдим этилиб, туристик лойиҳаларга мувофиқ пальма, зайтун ва бошқа дарахтлар экилган янги сўлим боғлар барпо этилди.

Эски шаҳар

Марокаш шаҳри худди Тошкент каби – эски ва янги қисмларга бўлинган. Атлас тоғ тизмаси ёнбағирлари қизилга мойил жигар ранг тупроқдан иборат бўлгани боис, бу ҳудудларда иншо қилинган деярли барча бинолар шу тусда. Марокаш шаҳри ўрнида қад ростлаган илк маскан – мудофаа қалъаси ал-муробитлар амири Али ибн Юсуф фармони билан қурилган бўлиб, кейинчалик бу қўрғон атрофида шаҳар вужудга келган. Олисдан Марокаш иморатлари ол тусда кўрингани учун маҳаллий аҳоли ва меҳмонлар уни «мадинатул ҳамро», яъни «қизил шаҳар», деб атаган. Эътиборлиси, Марокашнинг «эски шаҳар» ҳудуди 1985 йилда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига кирилган. Эски шаҳар кўчалари бир-бирига уланиб кетган бир нечта маҳаллалардан иборат бўлиб, деярли ҳар бир кўчада катта-кичик масжидлар бор. Бундан ташқари, ҳар бир маҳалланинг умумий ҳаммоми ва умумий тандирхонаси мавжуд бўлиб, маҳалла аҳли – бой-бадавлат хонадон вакиллари ҳам, ўртаҳол оила аъзолари ҳам нон ва нон маҳсулотларини уйда тайёрлаб (масалан, хамир қориб, нон ясаб), умумий тандирхонага олиб бориб, ўша ерда пиширтиришар эканлар.

Жомеул Фано майдони

Эски шаҳарнинг «юраги» ҳисобланган мазкур майдонда ҳеч қандай иншоот қад ростламаган бўлса ҳам, бу ерда эртаю кеч ҳаёт қайнади: ўзига хос мешларни кўтариб олган шаробчилар меҳмонларга чанқовбосди

ичимликларни таклиф қиладилар, маҳаллий санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этадилар, илон ва маймун ўйнатувчилар томошаларини ўтказиб олганларидан кейин хоҳловчиларни жониворлари билан суратга тушишга чорлайдилар. Кечки пайт майдон умумий овқатланиш ҳудудига айланади.

Манбаларда келтирилишича, Саъдлар сулоласи вакили Султон Аҳмад ал-Мансур (ҳукмронлиги 1578–1603) майдоннинг шимолий қисмида катта масжид қурдирмоқчи бўлган. Аммо бино энди кўтарилаётганда мамлакатда вабо тарқалиб, ишлар тўхтаб қолган экан. XIX асргача сақланиб қолган ушбу масжид харобалари ўрнида енгил конструкцияли янги бозор савдо расталари бунёд этилган. «Сувқу жаидид», яъни янги бозорда озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари, заргарлик буюмлари, турли хил санъат намуналари, гиламлар, сувенирлар, асосан фонуслар, маҳаллий услубда тикилган кийим-кечаклар сотилади. Бозордаги савдо расталари йўлаклари шу қадар чалкашки, у ерга кирган кимса баъзида чиқиш йўлини топа олмай қолади.

Турли замонларда майдон – маҳкумларни омма олдида жазога тортиш, байрамлар ҳамда тўйларида отлиқлар кўргазмасини ўтказиладиган жойи вазифасини адо этган.

Кутубийя масжиди

Марокаш шаҳри рамзига айланган ушбу масжид XII асрда муваҳҳидлар (1121–1269) сулоласи вакиллари томонидан иншо этилган бўлиб, Шимолий Африканинг ислом динини қабул қилган туб аҳолиси – барбарларнинг анъанавий меъморчилик услубида қурилган. Мазкур услубнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, иншоотлар, шу жумладан, миноралар тўртбурчак шаклда қурилади. Жумладан, Кутубийя масжидининг баландлиги 77 метрли, диагонали анча узун (минора ичидаги айланма зина орқали тўрт-беш киши ёнма-ён туриб бемалол тепага чиқа олади) бўлган минораси ҳам тўртбурчак шаклида барпо этилган. Ушбу минора Касабланка шаҳридаги Ҳасан II масжиди, Испаниянинг Севилья шаҳридаги Хиральда насронийлар ибодатхонаси (аввалги Севилья катта масжиди) минораларига андоза (намуна) бўлиб хизмат қилган.

Тарихчиларнинг ёзишича, XIX асрдан бошлаб масжид атрофига юзлаб китобдорлар келиб, китоб савдоси билан шуғулланган. Ўша давргача «Муваҳҳидлар масжиди» номидаги мазкур ибодатгоҳ шундан кейин «Кутубийя (арабчада «кутубийун» – китобдорлар дегани) масжиди деб

атала бошланган.

Масжид минораси учига устма-уст турувчи мис коптокчалар билан қопланган шпиль, яъни қалпоқли найза ўрнатилган. Маҳаллий аҳолининг айтишича, Султон Яъқуб ал Мансурнинг аёли Рамазон рўзаси каффорати эвазига ўз тақинчоқларини эритиб, ана шу тўпчаларни тилла суви билан қоплатган экан. Маълум бўлишича, ўша пайтда мазкур коптокчалар қуруқликдаги маёқ вазифасини ҳам ўтаган. Хусусан, тилла тўпчаларга қуёш нурининг тушиши натижасида миноранинг учи шаҳардан бир неча ўн чақирим наридан ҳам кўринган. Шу тариқа атрофдаги чўл ҳудудларидан Марокаш сари келаётган меҳмонлар ушбу минорани мўлжал қилиб шаҳар томон юришган.

Бугунги кунда масжид қуёш панеллари, гелио-сув иситкичлари ҳамда ёрқин чироқлар билан жиҳозланган. Атрофи пальма дарахтлари билан ўралган, йўловчиларга очиқ ҳавода дам олиши имкониятини берувчи сўлим яшил ҳудудга айлантирилган.

Ибн Юсуф мадрасаси

Бир неча аср давомида Марокаш давлатининг тенгсиз, ўз навбатида, Шимолий Африканинг йирик олий илм даргоҳларидан бири бўлган ушбу мадраса 1564–1565 йилларда саъдлар султони Абдуллоҳ ибн Ғолиб томонидан қурилган бўлиб, 1960 йилга қадар фаолият кўрсатган. Икки қаватли, 107 та хона (ҳужра)дан иборат мадрасада бир вақтнинг ўзида 900 нафар талаба дарс олган. Мадраса ҳовлиси ўртасида ҳовуз, унинг атрофида ажойиб нақшлар билан безатилган айвончалар бор. 1982 йилдан мазкур мадраса музей сифатида фаолият кўрсата бошлаган.

Баҳия саройи

XIX аср ўрталарида Си Муса исмли собиқ қул Марокаш қироли Абдулазиз IVнинг вазири этиб тайинланади. Тинимсиз меҳнат ва кўп машаққатлар эвазига шу даражага эришган вазир Марокаш шаҳрида ўзи ва оиласи учун Баҳия номли ҳашаматли сарой қурдиради. 300 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган сарой ҳовлисига мармар тошлар ётқизилади, атрофи темир панжара ва дарвозалар билан ўралади. Деворлар ва шифтларга ранго-ранг безаклар ёрдамида жило берилади. Саройга туташ ҳудудда апельсин, банан боғлари, отхона ва ҳаммом барпо этилади, масжид қурилади. Си Муса вафот этгач, бош вазир этиб тайинланган унинг ўғли Ба Аҳмад қурилиш ишларини давом эттириб, сарой ҳудудини янада кенгайтиради.

Ба Аҳмад вафот этгач, XX аср бошларида сарой қаровсиз қолади. Ўз вақтида Франция маршали Лиоте саройни таъмирлаб, ундан қароргоҳ (резиденция) сифатида фойдаланган.

Кейинчалик музейга айлантирилган Баҳия саройи бугунги кунда Марокаш шаҳридаги сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган туристик объектлардан бири бўлиб турибди.

Риёзлар

Марокаш шаҳри, шунингдек, ўзининг риёзлари билан ҳам машҳур. «Риёз» бир вақтлар тожирлар учун бошпана бўлган, бугунга келиб эса миллий меҳмонхоналарга айлантирилган масканлардир. Ташқи тарафдан қаралганда оддий кўринган бу уйларнинг ичкараси нозик дид билан жиҳозланган. Ҳовли ичига турфа гул ва дарахтлар экилгани учун ҳам бу меҳмонхоналар «риёз» номини олган. Авваллари шаҳарнинг бойлари фақирларнинг кўнгли ўксимаслиги учун ўз уйларини оддийгина қилиб қуришган экан. Ўша қадимги уйларнинг айримларидан ҳам бугун миллий руҳдаги меҳмонхоналар сифатида фойдаланилмоқда. Аксарият риёзларнинг айвонидан Атлас тоғлари манзарасини томоша қилиш, тунда эса юлдузли осмонга боқиб, Аллоҳнинг Ер юзини қандай ҳам гўзал суратда яратганини, Бани Одамга чиройли иншоотларни бунёд қилиш учун илҳом бериб қўйганини тафаккур қилиш мумкин.

Хадича Алишера

«Ҳилол» журнали 4(61) сон